

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 243 (3981).

17
ДЕКАБРЬ

СЕШАНБА
1968 ЙИЛ

Баҳоси 3 тийин.

СССР КОМПОЗИТОРЛАР
СОЮЗИ ЛЕНИН ОРДЕНИ
БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси гоҳларини куйловчи Совет музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва Совет композиторларининг коммунистик қурилишдаги айтишроқи тақдирланиб, СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан СССР композиторлар союзи Ленин ордени билан мукофотланди.

КОМПОЗИТОРЛАРНИНГ
БУТУНИТТИФОҚ IV СЪЕЗДИ

МОСКВА, 16 декабрь. (ТАСС). Бугун Союзлар уйининг колонна залида композиторларнинг бутуниттифоқ IV съезди ўз ишини бошлади.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг раҳбарлари президиумга чиққанларида мажлис аҳли уларни гулдурас қарсақлар билан қутиб олди. Машҳур совет музикачилари, съезд меҳмонлари ҳам улар билан бирга президиумга чиқиб ўтирадilar.

Композитор Д. Д. Шостакович кириш нутқи сўзлаб съездни очди. (ТАСС).

ЛИТВА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЛИТВА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИГА
ЛИТВА ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Литва ССР ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини, бутун халқини шонли саналар билан — Литва Совет Социалистик Республикаси эълон қилинган ва республика меҳнаткашларининг илгори отириб бўлиши Литва Коммунистик партиясига асос солинган кунининг элдик йиллиги билан қизғин табриқлайдилар.

Литва халқининг меҳнаткаш оммаси Большевиклар партияси раҳбарлигида Россия революцион ишчилар синфи билан биргаликда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун, ўзини социял ва миллий зулмдан озод қилиш учун айтиш курашди.

1918 йил декабрида Литва Совет Социалистик Республикасининг эълон қилинганлиги литва халқининг катта ғалабаси бўлди. Литва дийрида ишчи-деҳқон давлати курашда келтирилди. Совет ҳукуматининг ва белосита Владимир Ильич Лениннинг мададкорлиги билан Литва меҳнаткашлари социалистик қурилишга киришдилар. Лекин Совет Россиясига қарши чет эл интервенцияси ва граждандар уруши шароитида республика меҳнаткашларининг ғалабаларини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмади. Халқаро империализм билан Литва буржуазиясининг бирлашган кучлари ёш республикани шайқашлик билан бўғиб ташладилар.

Реакция авж олган отир йилларда Литва Коммунистик партияси оммаи Ленин гоҳлари байроғи остида жинслаштириб, халққа эид тузатма қарши курашга бошчидик қилди. Литва меҳнаткашлари Совет Иттифоқининг интернационал мададига таяниб, 1940 йилда эксплуататорларини улоқтириб ташладилар ва Советлар ҳокимиятини қайтадан тикладилар. Литва Совет Социалистик Республикаси ихтиёрий равишда СССР составига қўшилди, Литва Компартияси эса Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг таркибий қисми бўлиб қолди. Улуғ Ватан уруши даврида Литва ўғил ва қизлари бутун совет халқи билан биргаликда фашист босқинчиларга қарши, социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жанг қилдилар.

Асосан аграр мамлакат бўлган Литва буржуазия ҳукмронлиги даврида капиталистик давлатларнинг қўшимчаси эди. Социализм шароитида литва халқининг иқтисодий, социял ва маданий тараққиети учун катта имкониятлар очилди. Совет халқларининг қардошлик оиласида Литва саноати ва кишлқ хўжалиғи юксак даражада ривожланган, илгори фан ва маданиятга эга бўлган республика бўлиб қолди ва коммунизм куриш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Хозирги вақтда республиканин саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражадан 23 баравардан эиэд ошиб кетди. Литва кишлогида ҳам тубли ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги йил сайин ўсмоқда, жамоат қорвачилигининг маҳсулдорлиги ошмоқда, колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамламоқда. Халқнинг маданий фаровонлиги тўхтовсиз ошмоқда. Мухтолик, ишсизлик, тирикчилик учун маблағ қидириб аҳолининг чет элларга оммавий равишда кетиб қолиши барҳам тоиди. Республиканинг муваффақиятлари СССР халқлари дўстлигининг, дово ленинча миллий сиёсат таънасининг далилидир.

Литва ССР меҳнаткашларининг муваффақиятлари Литва Коммунистик партияси фаолияти билан chambars бoлганган. Литва Компартияси шонли ярим асрлик йўлини босиб ўтди, ҳамма босқичларда меҳнаткашлар оммасининг жанговар авангарди ва ташкилотчилиги бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. Литва халқини совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, марксизм-ленинизм гоҳларида сардоқат руҳида тарбиялаб келмоқда. Литва коммунистлари республика меҳнаткашларини КПСС XXIII съезди қарорларини, беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 50 йиллигини муносиб қутиб оlishга сафарбар қилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтишларки, литва халқи Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатинидаги барча қарош халқлар билан бир ёқдан бош чиқариб, коммунистик қурилишда янгида-янги ғалабаларга эришадилар.

Янашн Литва Совет Социалистик Республикаси!
Янашн КПССнинг жанговар отряди — Литва Коммунистик партияси!

Янашн мамлакатинида коммунизм куриш ташкилотчилиси ва илҳомчилиси — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ҚИЗҒИН ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетига телеграмма юбориб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва халқлари номида халқ Польшасининг барча коммунистларини ва меҳнаткашларини полк ва халқаро революцион ҳаракат тарихидаги шонли воқеалар билан, қўш юбилей — Польша Коммунистик партияси тузилган кунининг 50 йиллиги ва Польша Бирлашган ишчи партияси ташкил топан кунининг 20 йиллиги билан қизғин қутлади.

Польша пролетариатининг капиталистлар ва помещикларга қарши синфий кураши алағасида, Россияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси тўғайли жаҳон даярда тутилган Польша коммунистларининг партияси ҳаминша халқ бахт-саодати учун улуғ курашининг олдинги сафида бўлиб келди.

Бутун давлат ҳокимиятини ўз қўлига олган ишчилар синфининг айтиш марксиз-ленинчи партияси бўлган Польша Бирлашган ишчи партияси 1948 йил декабрида ташкил этилганлиги Польша ишчилар ҳаракатининг етукилидан далолат берди. Польша Бирлашган ишчи партияси ўз ўтмишдошлари — Польша Коммунистик партияси билан Польша ишчи партиясининг энг яхши революцион анъаналарини давом эттириб, мамлакатининг асосий ташкил қилувчи кучи бўлиб қолди, бутун халқни полк

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

Қ О Н У Н И

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-
НИНГ 1969 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

1-Модда. СССР халқ хўжалиғини ривожлантиришнинг СССР Министрлар Совети тақдим қилган 1969 йилги давлат плани Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари тузатишлари ҳисобга олиниб ҳолда таъқуллансин.

2-Модда. СССР халқ хўжалиғини ривожлантиришнинг 1969 йилги давлат планининг қуйдаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин:

1968 йилга нисбатан фсиз процент ҳисобида	
Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад	6,5 процент
Саноат маҳсулотини шу жумладан:	7,3 процент
ишлаб чиқариш воситаларини	
ишлаб чиқариш	7,2 процент
истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	7,5 процент
Давлатнинг марказлаштирилган тарғибда сарфлайдиган капитал маблағлари	8,4 процент

Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти	5,6 процент
Халқ хўжалиғидаги иш ҳақи фонди	6,6 процент
Саноат фаолиятидан тушадиган фойда	14,1 процент
3-Модда. 1969 йилдаги нисбатан 1969 йилда қуйдаги кўрсаткичлар таъминлансин:	
Аҳоли янв бошига тўғри келадиган реал даромадлар	5,5 процент
Давлат ва кооператив савдосининг чакана-товар обороти	7,5 процент
Аҳолига қўрсатиладиган маиший хизматлар	21 процент
Давлатнинг капитал маблағлари ҳисобига қурилидиган уй-жой бинолари умумий майдонини фойдаланишга топириш	9,4 процент
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болаларнинг сонини	6,4 процент
Куня узайтирилган мактаблардаги ва группалардан ўқувчиларнинг сонини	14,3 процент
Олий ўқув юрларига ўқувчилар қабул қилиш	0,8 процент

Урта махсус ўқув юрларига ўқувчилар қабул қилиш 5 процент

Қасалхоналардаги ўринлар сонини 3,5 процент

4-Модда. СССР халқ хўжалиғини ривожлантиришнинг 1969 йилги давлат плани юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг доимий комиссиялари: план-бюджет, саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, кишлоқ хўжалиғи, соғлиқни сақлаш ва социял таъминот, халқ маорифи, фан ва маданият, савдо ва маиший хизмат доимий комиссиялари ҳулосаларида баён этилган тақлиф ва мулоҳазаларни, шунингдек СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида депутатлар айтган тақлиф ва мулоҳазаларни қараб чиқиб, шуларга доир тегишли қарорлар қабул қилиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1968 йил, 13 декабрь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

Қ О Н У Н И

СССРНИНГ 1969 ЙИЛГИ ДАВЛАТ
БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

1-Модда. СССР Министрлар Совети тақдим этган 1969 йилги СССР Давлат бюджетни Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет комиссиялари ва тармоқ комиссиялари доқдаларни юзасидан қабул қилинган Ғаргиллар билан, чунончи жамини даромадлар бўйича 134.097.736 минг сўм миқдорда ва жамини харажатлар бўйича 133.898.408 минг сўм миқдорда, даромадлар харажатлардан 199.328 минг сўм миқдорда ошиқ қилиниб тасдиқлансин.

2-Модда. СССРнинг 1969 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналардан ва ташкилотларидан келадиган даромадлар — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳам қайи қилинган тўловлар, фойдаланг эркин қолдиғи, фойдаланг ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжалидан келадиган бошқа даромадлар — жами 121.644.170 минг сўм миқдорда белгилансин.

3-Модда. 1969 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалиғини — оғир саноатини, бинокорлик индустрияси, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини, кишлоқ хўжалиғи, транспорт, уй-жой — коммунал хўжалиғини ва халқ хўжалиғининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришнинг пул билан таъминлашга қилнадиган харажатлар — жами 58.318.367 минг сўм миқдорда белгилансин.

4-Модда. 1969 йилги СССР Давлат бюджетида социал-маданий таъбирларга — умумий таълим мактаблари, техникумлар, олий ўқув юрлари, илмий-таълимий муассасалари, ҳунар-техника билим юрлари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, радио эшиттириш халма маорифи ва маданиятга доир бошқа таъбирларга: қасалхоналар, болалар яшилари, саваточилар халма соқлиқни сақлаш ва физкультурага доир бошқа муассасаларга: пенсия ва нафақалар тўлашга ажратилдиган маблағлар жами 51.117.126 минг сўм миқдорда, шу жумладан, давлат социял страхование бюджети бўйича 14.843.805 минг сўм миқдорда белгилансин.

5-Модда. 1969 йилги давлат бюджетида мамлакат мудо-

фаасига берилдиган маблағлар 17.702.000 минг сўм миқдорда белгилансин.

6-Модда. 1969 йилги СССР Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органларини, давлат бошқарув органларини, суд ва прокуратура органларини таъминлашга берилдиган маблағлар 1.640.868 минг сўм миқдорда белгилансин.

7-Модда. 1969 йилги Иттифоқ бюджети даромадлар бўйича 73.510.169 минг сўм миқдорда ва харажатлар бўйича 73.310.841 минг сўм миқдорда, даромадлар харажатлардан 199.328 минг сўм миқдорда ошиқ қилиб тасдиқлансин.

8-Модда. Иттифоқдош республикаларнинг 1969 йилги Давлат бюджетлари даромадлар ва харажатлар бўйича 60.587.567 минг сўм миқдорда белгилансин. шу жумладан, иттифоқдош республикалар бўйича қуйдагича белгилансин:

(минг сўм).	
Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси	32.193.433
Украина Совет Социалистик-Республикаси	10.446.476
Белоруссия Совет Социалистик Республикаси	2.499.616
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси	2.616.109
Қозғогистон Совет Социалистик Республикаси	4.561.378
Грузия Совет Социалистик Республикаси	1.153.625
Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси	1.227.587
Литва Совет Социалистик Республикаси	1.112.380
Молдавия Совет Социалистик Республикаси	680.623
Латвия Совет Социалистик Республикаси	770.645
Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси	709.405
Тожикистон Совет Социалистик Республикаси	661.203
Арманистон Совет Социалистик Республикаси	823.691
Туркменистон Совет Социалистик Республикаси	599.931
Эстония Совет Социалистик Республикаси	531.465

9-Модда. 1969 йилда Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадлардан иттифоқдош республикаларнинг бюджетларига берилдиган ажратмалар қуйдаги миқдорда тасдиқлансин:

а) оборот солиғи гушумларидан: РСФСРга 30,4 про-

цент, Украина ССРга 30,2 процент, Беларуссия ССРга 70,4 процент, Ўзбекистон ССРга 100 процент, Қозғогистон ССРга 100 процент, Грузия ССРга 85,9 процент, Озарбайжон ССРга 71,3 процент, Литва ССРга 81,8 процент, Молдавия ССРга 36,8 процент, Латвия ССРга 29,9 процент, Қирғизистон ССРга 87,7 процент, Тожикистон ССРга 100 процент, Арманистон ССРга 100 процент, Туркменистон ССРга 100 процент, Эстония ССРга 47,3 процент;

б) 1969 йилда соғилдиган ва эркин муомалада бўлган давлат ички ютуқли забимдан келадиган пул миқдоридан 50 процент.

СССР халқ хўжалиғини ривожлантиришнинг 1969 йилги Давлат планида қўла тутилган таъбирларни пул билан таъминламоқ учун 1969 йилда Иттифоқ бюджети маблағларидан Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджетига 307.650 минг сўм, Қозғогистон ССРнинг Давлат бюджетига 819.595 минг сўм, Тожикистон ССРнинг Давлат бюджетига 64.092 минг сўм, Арманистон ССРнинг Давлат бюджетига 125.909 минг сўм ва Туркменистон ССРнинг Давлат бюджетига 36.423 минг сўм ажратилсин.

10-Модда. 1969 йилги СССР Давлат бюджети юзасидан қилинган ва Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг доимий комиссиялари, план-бюджет, саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, кишлоқ хўжалиғи, соғлиқни сақлаш ва социял таъминот, халқ маорифи, фан ва маданият, савдо ва маиший хизмат доимий комиссияларнинг ҳулосаларида баён этилган тақлиф ва мулоҳазаларни, шунингдек СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида депутатлар айтган тақлиф ва мулоҳазаларни қараб чиқиб, шуларга доир тегишли қарорларни қабул қилиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1968 йил, 13 декабрь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

Қ О Н У Н И

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЕР
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

1-Модда. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун Асослари тасдиқлансин ва бу Асослар 1969 йил 1 июлдан қучга қиритилсин.

2-Модда. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун Асосларини қучга қиритиш тартибни белгилаш ва ССР Иттифоқининг қонунларини Асосларга мувофиқ ҳолга келтириш СССР Олий Совети Президиумига топширилсин.

3-Модда. Иттифоқдош республикалар қонунларини ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ ҳолга келтириш иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1968 йил, 13 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ
Қ А Р О Р И

1967 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ
БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

1967 йилги СССР Давлат бюджетни даромадлар бўйича 117.160.501 минг сўм ва харажатлар бўйича 115.241.919 минг сўм миқдорда, даромадлар харажатлардан 1.918.582 минг сўм ошириб ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1968 йил, 13 декабрь.

хўжалик
илотлар ва
ка ерлари.
давлат қиш-
ига, ташки-
шлоқ хўжа-
ирилган ер-
чки ер ту-
сидиқланган
ишчиларга
оқдош рес-
арида бел-
ирасида то-
ириш учун
оморқа ер-
ерларнинг
чекланиб

нижняя ко-
республика
г. област-
убликалар
республика
г. руҳсати
айдоми кў-
нинг ишчи
да қишлоқ
ошқа граж-
р бериш.
қа давлат
алари, таш-

доимини иш-
та, шунинг-
ишлаб ва
арга, врач-
хассисларга
лаб қўйил-
ер участка-
илар,
тумий йи-
лар йиғили-
иноан қиш-

ва яшаб
врачларга
рга колхоз
и беради.
ларда, бош-
лик корхо-
да ва му-

аъзолари
ки вакил-
уд совхоз
муассаса
хнатқашлар

ети ижроия
сдиқланган
оқ жойла-
ишчиларга,
ерларга ва

участкала-

тилган иш-
илик ёки
ўтганлари-
частькалари
даниб қола-

ролли Куч-
ҳақиқий
илган ёки
хизматчи-
ларнинг то-

ҳароин
юртида
сақланиб

н, шунинг-
а мўлжал-
ва моллар-
скалари аж-
н. Бундай

рда чорва
колхозлар
ошқа қиш-
наларининг,
ларининг ор-

артибда ер
кин, бун-
асткаларни
лаш ҳара-

чиларга тў-

даги, граж-
олишлари
уларга дав-
ўрмон фон-
ир йўл ва

құйылған
оқ хўжали-
бошқа ер-

имий фой-
юк хўжа-

қўйилган
рининг бир

даланмаган
ва бошқа
корхона-
меҳнаткаш-
ств (ўлка)

СТИНИНГ қа-
ОНИ шундай
АН КОЛХОЗ-
БОШҚА хў-

муддатга
ҳара-
дан фойда-

вишда тў-

Иттифок Совети қишлоқ хўжалик
комиссияси райси депутат Ф. А. СУРГАНОВ доклади

Ююри Чирчиқ	91.1
Ўрта Чирчиқ	85.2
Оржоникидзе	77.8
Янгийўл	66.8
Оққўрғон	63.7
Бекобод	41.1
Буна	30.6

